

**THE SADLY TASTE OF THINKING
(About the Theater of the Absurd)**

**Караева Феруза Қурбоновна, Ўзбекистон давлат
санъат ва маданият институти ўқитувчиси.
Email: feruzakarayeva48@gmail.com**

In this article, the concepts of absurd drama, absurd theater, are the conditional name of the current in dramaturgy. In the 50s and 60s of the last century, proponents of the movement argued that human life was meaningless and abstract. According to them, man cannot even understand why he is living. He is constantly talking about being a victim of false duty, false morals, false relationships.

Keywords: theater, absurd, paradox theater, tragedy, catharsis, grotesque, actor.

ТАФАККУРНИНГ МАҲЗУН ЛАЗЗАТИ

(Абсурд театри хусусида)

Мазкур мақолада абсурд драма, абсурд театр тушунчалари драматургиядаги оқимнинг шартли номи. Ўтган асрнинг 50-60 йилларида оқим тарафдорлари томонидан инсон ҳаёти маъносиз, маъхум деган нуқтаи назар илгари сурилади. Уларнинг фикрича, инсон ҳатто нима учун яшаётганини ҳам англаб етолмайди. У доимо ёлғон бурч, ёлғон ахлоқ, ёлғон муносабатлар қурбони бўлавериши хусусида сўз боради.

Калит сўзлар: Театр, абсурд, парадокс театри, трагедия, катарсис, гротеск, актиёр.

**ГРУСТНЫЙ ЦВЕТок МЫШЛЕНИЯ
(О Театре абсурда)**

В данной статье понятия драмы абсурда, театра абсурда являются условным названием течения в драматургии. В 50-х и 60-х годах прошлого века сторонники движения утверждали, что человеческая жизнь бессмысленна и абстрактна. По их мнению, человек даже не может понять, зачем он живет. Он постоянно говорит о том, что стал жертвой ложного долга, ложной морали, ложных отношений.

Ключевые слова: театр, абсурд, парадоксальный театр, трагедия, катарсис, гротеск, актер.

Театр санъати пайдо бўлибдики, унинг туб негизи ўша-ўша. Ижодкорликни намоён қилишнинг бир шакли сифатида инсоният маданий-эстетик ҳаётида ўз ўрнига эга. Саҳна санъати бошқа ижод шакллари сингари тараққиёт диалектикасида ўз табиатини сақлаб келаётган бўлса-да, унинг мазмун-моҳияти, борлиқ ва инсонни ифода этиш усуллари

бетиним тардрижийликда ўзгаришларни босиб ўтди ва бу янгиланишлар театрнинг инсониятнинг ўзидан ўрганиб, ўзига қайтарган хитобида акс этди. Антик даврдан то бугунги кунга қадар театр субъект-инсон тарафида туриб, унинг тақдир-инсон, табиат-инсон, дин ва инсон, жамият ва инсон, инсон ва инсон ва ниҳоят инсоннинг ўзи билан ўзи аро курашларини турли жанрлар ва оқимлар бадииятида ифодалаб келмоқда. Сўнги жараён – инсоният ўзини ўзи ким ёки нима эканлигини, мавжудлигини баҳолашга киришгани “абсурд драмаси”, “парадокс театри” деб аталувчи адабий-сахнавий ижод шаклида ўз аксини топди. Абсурд театри дунёни, одамзот ҳаётини бадиий идрок қилишнинг бир шакли сифатида, ҳаққониятни рационал ахтариш тарзини бошлади. Олам ва одам мантигининг чексиз жумбоқларини салмоқлаб кўришга ўтди.

Бугун дунёда абсурд драмаларининг қиймати баланд, уни ўрганиш бўйича ҳам театр танқидчилигида изланишлар илғор давом этмоқда. Этьироф этиш керакки, бу шаклдаги театр ва драманинг бешиги Европа. Бу оқим ва унинг ёрқин намуналари Европада пайдо бўлгани, унинг шаклланиши ва такомил топиш даври XIX асрнинг иккинчи ярми билан белгиланиши маълум. Йирик театр билимдони Мартин Эсслен “абсурд театри” деб номлаган бу турдаги замонавий театр ва шу типдаги асарларда ифодаланган инсон ҳаётининг мантиқ-маъно ахтариш, одамнинг бошқа объектлар билан конфектини эмас, айнан ўзига ўзининг онгли мурасасизлигида томошабинга эстетик завқ бериш, насиҳат қилиш, ниманидир исботлаб, яна нималаргадир даъват қилиш вазифасидан воз кечилади. Аксинча, борликни умумий ҳолда, рационал кузатиш ва тафаккур этишга имкон беради. Мартин Эссленнинг таъбирига кўра “*Театрнинг бу мақомини ҳали кўпгина театриунослар англаб етганларича йўқ. Лекин театр замонга таъсирини ўтказиб бормоқда.*”

Абсурдга адабий оқим, жанр деб қаралганда, унинг семантикаси ва шаклий хусусиятлари мутлақо йўқдан пайдо бўлмагани ва бошқа жанрлардан “кўмак” оладиган эклектик характерга эгалигини кўриш мумкин. Агар ҳар қандай санъатнинг марказида бош мавзу бўлиб инсон омили турадиган бўлса, бу турдаги театр ҳам айнан шунинг атрофида баҳс юритади. Энди бир савол: инсон учун маъносизлик қаердан келиб чиқади? Албатта бу [<https://kinosanati.uz>]

саволга турли вазиятлардан келиб чиқиб, ҳар хил ракурсдан қараб жавоб бериш мумкиндир. Лекин, энг умумийси шуки, инсон учун мантиқ узилган жойдан маънисизлик бошланади. Мантиқ эса инсон ақли ҳазм қила оладиган ҳамма нарсадир. Тафаккур табиатига зид нарсалар, унинг ҳаётининг маънони ўчиради. Абсурд ижод намуналаридаги умумий рух, уни ифода этиш табиати худди шундайдир. Бу жараён индивидуал хусусиятга эга бўлиб, муаллифлар буни ўзига хос аспектларда намоён қиладилар. Инсон ҳаётининг худди Сизиф қисмати каби бемаънолиги, Калигула сингари аянчли, Годони кутишдек бефойдалиги турли муаллифларнинг асарларида турлича акс эттирилган. Уларнинг ҳар бирида муайян ўзига хослик бўлиши табиий, бироқ, бу уларнинг моҳиятидаги умумийликка даҳл қилолмайди. Абсурд драмасининг йирик намояндалари саналган Эжен Ионеско, Самуэл Беккет, Артур Адамов, Албер Камю, Ф.Дюренматт, Словомир Мрожек, Фернандо Аррабаллар адабиётда, хусусан, драмада инсон ҳаётига худди бир предметни қўлда тутиб, унинг ҳар тарафини кўриб кузатиб, аслида у қандай буюмлигини айтиб берган каби холис баҳолашни афзал кўрди. Бу ижод шакли муаллифдан тафаккур объективлигини

талаб қилади. Ёзувчининг инсон омилига эмоциядан ҳоли қараб, уни бадий ифодалашда ҳам хусусийликка берилмаслиги муҳимдир. Абсурд театрининг табиати шундай.

Театрнинг бундай шаклида ижод қилган муаллифлар инсон омилига исталган жиҳатдан ёндошиши мумкин. Масалан, С. Беккет “Сизиф ҳақида миф”, “Годони кутиш” асарларида одам қисматини космогоник асосини қамраб олган бўлса, С.Мрожекнинг “Чегара устидаги уй” асарига социал ёндашув бор. Ионесконинг “Стуллар” асари психологик асосда бўлиб, ундаги икки қариянинг маъносиз ҳаёти эса худди “эшик тирқиши”дан қараб, ёки узокдаги баланд уй деразасидан дурбин орқали кузатилган каби таассурот қолдиради. Инсоннинг буюмлардан ҳам заифроқ, аслида одам жуда ёлғиз ва бекадр эканлигини муаллиф ўзига ҳам худди уларнинг бир вакили сифатида қараб, тасвирини чизиб беради. Уларнинг ҳаммаси боғлаб турувчи метафизик бирлик фожиавийлик ва ёки фожиани бартарф этишнинг иложсизлигини англашдан кейин туғилувчи тушуниксиз, тугуриқсиз, манисиз жараёндир.

Юқорида абсурд драмаси жанр жиҳатдан бошқа жанрлар билан эклектик хусусиятга эга эканлини айтиб ўтган эдик. Бу биринчи навбатда мазмунга эмас ифодалаш услубида, тилида кўриниши мумкин. Ионеско абсурднинг жанр сифатидаги хусусиятига “на комик, на жиддий” деб таъриф беради. Чунки, унда бошқа жанр унсурларидан унумли фойдаланилади, бироқ, бундан мақсад кулдириш ё куйдириш бўлмайди. Абсурд уларни аниқ ғоя –чинакам реалликни излашда восита сифатида қўллайди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин бу оқим тарафдорлари фаоллашгани маълум. Бу даврда экспрессионистик (инсонлар бошига уруш келтирган кулфатлар акс этириладиган) оқим абсурд билан уйғунлашиб кетди. Урушдан кейинги тушкун кайфият абсурд йўналишининг яна ҳам авж олишига сабаб бўлди. Бу каби асарларда инсоният нега уришади, уруш нега керак, деган жумбоқлар асарларда аксини топди. Айни шу муаммо ифодаланган абсурд асарлардан бири драматург Фернандо Арабалнинг «Пик-ник» («Дала сайли») абсурд комедиясидир. Бу пьесанинг қисқача мазмуни шундай: Жанг майдонида Сапо ва Сепо исмли икки душман тарафнинг аскарлари бир-бири билан дўстлашиб қолади. Уларнинг ҳеч бир-бирларини отиб ўлдиришга кўзлари қиймайди. Бир куни Сапонинг кекса ота-онаси уруш майдонига тугун тугиб, худди дала сайлига келгандек, ўғилларини кўргани келадилар. Душман аскар Сепони тутиб олиб, расмиятчилик учун қўлини рўмолча билан боғлаб қўйишади ва дастурхон атрофида овқатланиб, суҳбатлашади. Ҳарбий фельдшерлар эса командир буюргани учун ўликлар ва жароҳатланганларни қидириб келади. Ҳатто улардан кимдир отиб беришларини, бўлмаса ўз вазифаларини бажармаётган сифатида айбланишлари мумкинлигини айтадилар. Икки аскар нима учун уришаётганликларини ҳам билмайди, командир буюргани учун шу ерда турганликларини биладилар, холос. Суҳбат чоғида қирувчи самолёт мина ташлайди ва тўрталаси ҳам қирилиб кетади. Мана шундай урушнинг мантиқсизлиги, инсон ҳаётини маъносизлиги Аррабал ифодасида комедик, гротеск характерида эга.

Абсурд ҳаётда фожиалардан кейин туғилади, абсурд асарларда эса инсоннинг айни шу ҳолати тасвир этилади. Жанр сифатида фожа (трагедия) ва абсурд бир биридан тубдан фарқ қилса-да, улар орасида матикан узвийлик бўлади. Трагедияда (фожа) воқеликни акс эттиришда муаллиф персонажга муайян йўл кўрсатиши ва ўқувчи ёки томошабинга муайян хулоса чиқаришга имкон қолдира олади. Абсурднинг абсурдлиги шундаки, унда фақат

мавхумот, жавобсиз сўроқлар бўлади. Абсурд инсон руҳининг фожиадан кейинги жараёнини, ҳаётининг маънодан айро қисмини ифодалайди. Тассавур қилиш мумкин: Бордию Ҳамлет асар сўнгида ўлмайд қолган бўсаю, қотил амакисини ўлдириб, хиёнаткор онасини зиндонга ташлаганда нима бўлар эди? Унинг кўнгли жойига тушиб, тинчирди, деган жавобга ишониш қийин албатта. Чунки, Ҳамлетнинг мақсади биринчидан бу эмас, иккинчидан, унга на тахт қизиқ, на ўз тақдири. Унинг учун ягона мақсад ҳақиқат. У хиёнатни фош этди, ўзи омон қолган тақдирда ҳам ҳақиқатни қарор топдира олмасди. Хўш, Ҳамлет учун кейинги ҳаётнинг маъноси нима бўлиши мумкин? Ўлим уни ана шу абсурддан қутқариб қолган. Эҳтимол, у бир кун келиб “Калигула”га айланиши ва унинг дахшатли куйига тушиши мумкин эди.

Абсурдда ифодаланган инсон ҳаёти маънисиз ва мантиқсиз, бироқ, абсурд театри янгича томоша усули сифатида ғоят аниқ ва мантиқий мазмунга эга. Айна пайтда бадиий тафаккурнинг жуда юқори чўққисидадир. Унда муаллиф бирор саҳна ёки сўзни шунчаки, мантиқдан айро, сабабсиз қўллаши мумкин эмас.

Бизда санъат турлари орасида тасвирий санъатда дунёни бадиий идрок этишнинг аванганд шакллари жадал ривожланиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Адабаётда эса насл ва айниқса, назмда бундай янгиланиш жараёни мавжудлигини кузатиш мумкин. Бироқ, драматургияда сон жиҳатдан саҳна учун асарлар ёзилиб келинаётган бўлса-да, улар орасида мутлақо янги мазмундаги, авангард саҳна асарларини учратиш мушкул. Айрим мутахассислар абсурднинг оммалашмаслигининг сабабини миллат характери, менталитети билан боғлашади. Бу ҳам парадоксиал ёндашув аслида.

Инсон ўз зотига ачиниш ҳисси ва жумбоқнинг кўринмас ечими бор ёки йўқлиги устида ўйга толади. Бундай асарлар кишига эстетик завқ бермайди, балки тафаккур қилишнинг маҳзун лаззатини беради. Бундай тафаккур тарзи инсонни сергаклантириши лозим. Абсурд драмаларнинг киши руҳига таъсир жараёни қандайдир тадрижий хусусиятга эга. Бу таъсир кишида дастлаб пессимистик кайфият пайдо қилса, кейин совуққон тафаккур уйғотади. Бу тафаккур жараёнида инсон ўз ўзи билан шундай қарама- қарши фикрлар баҳсига киришадики, чексиз жумбоқ гирдобига тушади. Охир-оқибат ҳорғинлик сезиб изтироб чекади, ўзининг нақадар ожизлигини, дунёда ҳеч нарсани ўзгартира олмаслини ва ҳатто нима учун яшаётганлигини англолмайди. Абсурд театри ғоявий юксаклиги эвазига томошавийлик тамойилларини бир қадар четлаб ўтади, адабиёт сифатида ўқиш ҳам ундан кам бўлмаган жиддий жараён ҳисобланади. Уни фақат англамоқ лаззатли бўлиши мумкин. Айна шу ҳолатнинг кечиши абсурд содир этадиган “катарсис” дир.

Ўзбекистон театрлари саҳнасига ҳам абсурд драмалар кириб келган. Ўзбекистон санъат арбоби Бахтиёр Тўраев, атоқли режиссёр Олимжон Салимов ва бошқалар томонидан жаҳон абсурд драмалари саҳналаштирган. Ҳозирги пайтда жаҳонда ривож топган парадокс театри ўзбек театрларида ривожланмагани ва драматургиямизда абсурд оқимидаги асарларнинг шаклланмагани масаласига келсак, бу халқнинг эстетик қарашлари, бадиий тафаккури ва менталитет хусусиятлари билан боғлиқ. [6,27]

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Театр” журнали 2015 й. 6 сон. 27 б.
2. Мартин Эсслиннинг "Абсурд театри" <https://kinosanati.uz>

